

ИДЕНТИФИКАЦИЯ ФЕНОМЕНИНИ ПСИХОДИАГНОСТИК ТЕКШИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Маратов Темур Гайрат ўғли
ЎзХИА таянч докторанти
maxway0210@gmail.com

Психологияда идентификациясини фанлараро ўрганишнинг аҳамияти тобора кенгайиб бораётганига қарамай амалда бу талаб муҳим услубий ва диагностик қийинчиликларга дуч келмоқда. Аввало, фалсафа, социология, шахс психологияси, ижтимоий психологияга хос бўлган тузилиши, функциялари ва механизmlарини тушунишда баъзи бир ёндашувлар мавжуд. Масалан, С.Страйкернинг структуравий рамзий интераксионизм назарияси доирасида идентификация назарияси конкрет ўзига хосликларни шахс томонидан қабул қилинган ижтимоий ролларнинг намоён бўлиши сифатида кўриб чиқади ва идентификация динамикаси ролнинг ўзгариши билан белгиланади¹. Ижтимоий идентификация назариясида ижтимоий гурухларнинг тузилишига ва гурухлар динамикасига алоҳида урғу берилади. Ушбу тушунчаларни тўлдиранг ҳолда, С.Ж.Швартзнинг ривожланиш психологиясидаги идентификация тушунчалари танлов жараёнини ва шахсиятнинг изчиллик даражасини кўриб чиқиш муҳимлигини таъкидлайди. Бундан ташқари, назарий ёндашувларнинг хилма-хиллиги идентификацияни ташхислаш усувларининг тенгсизлигига олиб келади, чунки масштаблар ва мезонлардаги фарқлар барча ёндашувлар учун умумий бўлган таклиф этилаётган воситаларнинг алоқаларини ажратиб кўрсатишга имкон бермайди. Шу нуқтаи назардан, прогностик усувларни текшириш ва таққослаш имконини берадиган янги усувларни ишлаб чиқиш ва мавжуд усувларни ўзгартириш ҳамиша долзарб бўлиб қолади.

А.Ш.Тхостовнинг фикрича, идентификация феноменини психология соҳасидаги эмпирик тадқиқотлар шахснинг қуйидаги идентификаторларига эътибор қаратишга ҳаракат қиласди:

муайян ижтимоий роллар;
гурухга мансублик;
шахснинг ўзига хос хусусиятлари.
жамият учун зарурлигини англаш.

Ушбу ёндашувнинг афзаллиги шахс идентификациялар тажрибасининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ва инсон ҳаётининг турли соҳаларида идентификация объектини излаш имконияти билан ҳарактерланади². Бундай диагностиканинг бир неча йўналишлари мавжуд:

¹ Stryker, S. Identity theory and personality theory: mutual relevance. Journal of Personality. 75(6). 2007. – Р. 1084-1101.

² Тхостов А. Ш., Рассказова Е. И., Емелин В. А. "Психодиагностика субъективного восприятия своих идентификаций: применение модифицированной методики «Кто я?»" Национальный психологический журнал, но. 2 (14), 2014. – С.89.

Биринчидан, бу ўз-ўзига муносабат ва ўз-ўзидан қониқиши диагностикаси учун хизмат қилувчи анкеталар ва сўровномаларни киритишимиз мумкин. Бу тоифадаги диагностик воситаларнинг афзалликлари кенг аудиторияга жорий этиш ва стандартлаштириш имкониятининг мавжудлиги билан тавсифланади.

Иккинчидан, психосемантик усуллар кўпроқ билвосита ҳарактерга эга бўлиб, бунда ўз-ўзини баҳолаш объектлардан бирини маълум бир мезонларга мувофиқ баҳолаш сифатида кўриб чиқилади.

Учинчидан, ўз-ўзини англаш ва идентификация диагностикасини таъминлайдиган қўплаб проектив усулларни киритиш мумкин. Э.Т.Соколовага кўра, бундай методикалар кўпроқ патопсихологияда муваффакиятли қўлланилади³.

Тўртинчидан, рус психологиясида шахс хусусиятлар тўпламига асосланган ДембоРубеинштейннинг ўз-ўзини баҳолаш методикаси таклиф қилинади. Бу, бир томондан, мезонларни мослашувчан танлаш ва турли соҳаларда идентификацияларни солишириш имконини беради, иккинчи томондан, скрининг диагностикасини таъминлайди ва идентификациялашнинг турли соҳаларини баҳолашдаги номувофиқликларни аниқлаш имконини беради. Аммо, бу усул психодиагностик чекловлардан холи эмас, чунки у асосан индивидуал ва субъективдир (баҳолаш мезонларини муаммо доирасида муҳокама қилиш, ушбу муаммо бўйича шкалаларни танлаш мезонлари) ва аниқланган хусусиятларнинг ишончлилигини баҳолашга имкон бермайди⁴. Юқорида келтирилган таҳлилларга асосланган ҳолда шах идентификациясини психологик ташхис қилишда бугунги кунда кўпроқ М.Куннинг “Мен кимман методикаси”⁵, Эллиотнинг “Умумий идентификацияга эришиш ва қадриятлар шкаласи”, Люмберский ва Леппернинг “Субектив баҳтлилик индекси” ва бошқа шу каби методик воситалардан фойдаланилмоқда.

Маълумки дин психологияси фани шаклланишининг дастлабки босқичларида эмперик жиҳатдан тадқиқ этиш борасида олимлар асосан диний тажрибага ёътиборларини қаратишган. Таъкидлаш лозимки, дастлаб диний тажрибаларни ўрганиш дин психологиясининг асосий предметларидан бири ҳисобланган. Бироқ, 1920-йилларнинг охирларига келиб диний тажрибанинг эмпирик тадқиқотлари дин психологиясининг илмий фан сифатида ўрганишда ўз аҳамиятини йўқота бошлаган. 1950-йиллардан бошлаб эса дин психологиясининг диний тажрибадан ташқари турли хил предметлари ўрганила бошлаган. Жумладан диний идентификация муаммоси ҳам эмперик жиҳатдан тадқиқ этиш бошланган. Юқорида идентификация феноменини ташхис қилишдаги айрим муаммолар диний идентификацияни ташхис қилишда ҳам кузатилади. Бугунги кунда айнан диний идентификацияни ўзини баҳоловчи стандартлаштирилган методикалар ишлаб чиқилмаган. Бироқ бу бўйича

³ Соколова Е.Т. Проективные методы исследования личности / Е.Т. Соколова. – Москва : Издательство Московского университета, 1980. – С.182.

⁴ Рубинштейн С.Я. Экспериментальные методики патопсихологии и опыт применения их в клинике / С.Я. Рубинштейн. – Москва : Апрель- Пресс, 2010.

⁵ Kuhn M., McPartland T.S. An Empirical Investigation of Self-Attitudes // American Sociological Review. – 1951. – 19. – P. 68-76.

сўровномалар, анкеталар ёки баъзи методикаларнинг таркибий қисмида бирор шкала кўринишида мавжуд:

Шахс диний идентификациясини ўрганишга қаратилган “Семантик дифференциал” методи.

Ушбу метод инсоннинг бошқа инсонга нисбатан шахсий эмоционал муносабатини, ўзи мансуб бўлган гурух аъзоларига нисбатан, диний ва нодиний эътиқодли инсонларга бўлган муносабатини, шунингдек, ўзининг шахсий фазилатларини ўрганишга ёрдам беради. Семантик дифферентсиал методи 1952 йилда инглиз олим Чарлз Э. Осгуд томонидан психологик тадқиқотларга киритилган Ушбу метод тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, тадқиқот оюъекти ва предметига қараб шакллантириш мумкин.

Методикани қўллаш бўйича йўриқнома. Диний ни ифодаловчи 10 та категориялар келтирилган. Уларни кемакетликда келтирилган қарамақарши маънога эга жуфт сифатлар билан баҳоланг.

Ҳар бир жуфлиқдаги сифатлардан диний категорияларга сизнинг эмоционал муносабатингизни доирача орқали ифодаланг. Агар ушбу категорияга нисбатан муносабатингиз ижобий бўлса, доира белгисини нол чизиқнинг ўнг томонига, агар муносабатингиз салбий бўлса, ундан чап томонга қўйинг. Бунда муносабатлар кучи салбий ва ижобий балларга мос тарзда ифодаланади. Ижобий ва салбий муносабатлар 0 (энг кучсиз эмоционал муносабат) дан 3 гача (энг кучли эмоционал муносабат) белгиланади. Натижаларни қайта баҳолаш. Ҳар бир шкала бўйича маълумотлар баҳоси балларга алмаштирилган. Агар текширилувчининг баҳолари шкаланинг иккита банди ўртасида жойлашган бўлса, балларнинг каср кўриниши олинади. Сўнгра семантик дифференциалнинг шкалалари бўйича ўртacha баҳолари аниқланади. Олинган ўртacha қиймат текширилувчининг эмоционал муносабатини миқдорий кўринишда белгилайди. Агар ўртacha қиймат ижобий баҳони ифодаласа, муносабат ижобий ҳисобланади. Олинган ўртacha қиймат салбий кўрсаткични ифодалаганда, муносабат салбий ҳисобланади. Эмоционал муносабат кучини олинган ўртacha абсолют қийматни ифодалайди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ҳозиргача ишлаб чиқилган муаммо борасидаги концепциялар, моделлар мазмунан хориж муҳитини акс эттирган бўлсада, бироқ, уларда келтирилган асослар, моделлар, шахс диний идентификациясини баҳолаш учун ҳам зарур саналади. Чунки, маҳаллий тадқиқотларда шахсда диний идентификация шаклланишини асословчи айтарлича тадқиқотлар мавжуд эмас. Қолаверса, идентификация феноменини маҳаллий психологияда ўрганиш муҳим янгилик саналади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Kuhn M., McPartland T.S. An Empirical Investigation of Self-Attitudes // American Sociological Review. – 1951. – 19. – P. 68-76.

2. Stryker, S. Identity theory and personality theory: mutual relevance. *Journal of Personality*. 75(6). 2007. – P. 1084-1101.
3. Рубинштейн С.Я. Экспериментальные методики патопсихологии и опыт применения их в клинике / С.Я. Рубинштейн. – Москва : Апрель-Пресс, 2010.
4. Соколова Е.Т. Проективные методы исследования личности / Е.Т. Соколова. – Москва : Издательство Московского университета, 1980. – С.182.
5. Тхостов А. Ш., Рассказова Е. И., Емелин В. А. "Психодиагностика субъективного восприятия своих идентификаций: применение модифицированной методики «Кто я?»" *Национальный психологический журнал*, no. 2 (14), 2014. – С.89.